

ГОСПИТАЛ ТАЪЛИМДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН СПОРТ ТУРЛАРИ ВА КАМ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР.

Нигматуллаева Муяссар Абдумаликовна

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги

“Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасаси тарбиячиси

Аннотация: Мазкур мақолада узоқ муддат давомида даволанаётган болалар учун госпитал таълимнинг ўрни, гематологик ва онкологик касалликлар билан даволанаётган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари, болалар соғлигидан келиб чиқиб спорт ўйинларининг ахамияти, госпитал таълимнинг анъанавий таълимдан фарқлари ёритилган.

Калит сўзлар: Гематология, онкология, руҳий тушкунлик, психологик зўриқиш, жисмоний фаолликни камайиши, госпитал таълим, педагогик ёрдам, когнитив ривожланиш, руҳий босим, жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, оптимистик дунёқараш.

Болаларнинг даволаниши узоқ муддат талаб этадиган касалликка чалиниши нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам нохуш ҳолат ҳисобланади. Бола соғлигининг ёмонлашуви унинг руҳиятига бир тарафдан босим ўтказса, бошқа тарафдан бемор атрофидаги кундалик вазиятнинг кескин ўзгариши, тенгдошларидан ажралиб қолиши ва касаллик туфайли имкониятларининг чекланиб бораётганлиги руҳий тушкунлик ҳолатини келтириб чиқаради. Мактабгача таълим госпитал гуруҳлари – стационар даволанаётган, соғлиги сабабли мактабгача таълим ташкилотларига бора олмаётган 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун даволаш – профилактика муассасаларида ташкил этилган гуруҳлар. Илк ривожланиш ёшидаги болаларга мўлжалланган ўйин гуруҳлари - 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар учун стационар даволаш профилактика муассасаларида ташкил этилган гуруҳлар. Уларда парвариш қилиш ва назорат қилиш ишлари ота – оналарнинг фаол иштирокида ташкил этилади.

11 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.05.2022 йил “Гематология, Онкология, клиник иммунология, бошқа статционар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болалар учун мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234- сонли қарори. Интернет ресурс: <https://lex.uz/docs/-599272>

Мактабгача таълим госпитал гуруҳлари – стационар даволанаётган, соғлиги сабабли мактабгача таълим ташкилотларига бора олмаётган 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун даволаш – профилактика муассасаларида ташкил этилган гуруҳлар. Илк ривожланиш ёшидаги болаларга мўлжалланган ўйин гуруҳлари - 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар учун стационар даволаш профилактика муассасаларида ташкил этилган гуруҳлар. Уларда парвариш қилиш ва назоратқилиш ишлари ота – оналарнинг фаол иштирокида ташкил этилади. Мактабгача таълим ташкилотлари учун Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мейорий - ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим ташкилотининг мақсад ва вазифалари, таълим ва тарбия жарайининг мақсад ва тамойиллари, шунингдек, боланинг кейинги таълим босқичига ўтишдаги таянч компетенциялари белгиланган. Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси мактабгача

таълим Давлат стандартларини амалга ошириш механизими бўлиб хизмат қилади. Давлат ўқув дастурининг асосий вазифаси компитенциясига асосланган ёндашув асосида бола шахсини ривожлантириш ҳисобланади.

Узоқ муддатли давланаётган болаларда учрайдиган муоммолар:

- Чекланган муҳит
- Қўлидаги ёки оёқларидаги стилет
- Кўксиларидаги катетер
- Бурундан қон кетиши
- Ҳаракатланишига қўйилган чекловлар
- Ҳолсизлик тез чарчаш

Госпитал таълимда мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашдан асосий мақсадимиз соғлигида муаммоси бор болалар учун мўлжалланган спорт турлари ҳамда кам ҳаракатли ўйинлар ташкил этиш, уларни соғлигини тиклашга ёрдамлашиш, ҳаракатчанликларини ошириш, жамоага қўшилишига, тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга киришишига ёрдам бериш ва кайфиятларини кўтариш.

Эстафеталар: Болаларни сигналга риоя қилишга, ўз жойини билиб туришга, чаққонликка ўргатади.

Баскетбол: Болаларни йирик моторикаларини ривожлантиришга ёрдам беради, мўлжални аниқ олишга ўргатади.

Боулинг: Рангларни, шакилларни, масофани мустаҳкамлайди.

Дарц: Нишонни аниқ олишга, натижаларни ҳисоблашга ўргатади.

Жисмоний машғулотлар давомийлиги боланинг ёшини инобатга олган ҳолда 3 ёшгача бўлган болаларда – 10 минутдан ошмаслиги, 4 ёшли болаларда – 15 минутдан ошмаслиги, 5 ёшли болаларда – 20 минутдан ошмаслиги, 6 ёшли болаларда -25 минутдан ошмаслиги ва 7 ёшли болаларда – 30 минутдан ошмаслиги керак [5, 25]. Госпитал таълимда боланинг ёшини, соғлигини, кайфиятини ва хоҳишини инобатга олган ҳолда машғулотларни давомийлигини камайтириш ёки белгиланган вақтгача машғулотларни олиб бориш мумкин. Госпитал таълимда даволанаётган жисмоний ривожланишдан ортда қолган болаларга кам ҳаракатли ўйинлардан ташқари энгил жисмоний машқлар бажаришлари, ёшларига мос ривожлантирувчи ўйинлар (ким чаққон, ритмик ҳаракатлар) ўйнатиш мумкин. Оддий мактабгача таълим муассасаларида жисмоний машғулотлар ҳафта давомида икки марта ўтказилса, госпитал таълимда эса ушбу машғулотлар боланинг муолажаларидан кейинги бўш вақтига, хоҳишига ва энг асосийси соғлигига қараб ҳар куни тарбиячи машғулотлар олиб борилади.

Мусобақалар оралиғида ва сўнгида ҳамма болаларни рағбатлантириш, болаларни ўзларига бўлган ишончларини оширади.

Тиббий стационар шароитда даволанаётган болалар билан ишлаш жараёнида ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, тарбиячи доимо машғулот жараёнида тиббий ниқобда бўлиши, ҳар бир спорт жиҳозлари ва ахборот техника воситаларини антисептик воситалари ёрдамида дезинфекциялаш, машғулотларни гимнастика картотекалари, видео роликлар ёки кўргазмали куруллар, орқали ўтказиши, ҳар бир бола билан яқка тартибда ва жамоа бўлиб шуғулланиши керак.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги “Меҳрли мактаб” нинг мактабгача ёшдаги тарбияланувчилари билан мўлжалланган спорт турлари ва кам ҳаракатли ўйинлар мунтазам равишда, тасдиқланган жадвал асосида олиб борилади. Масалан: “нишонга ол” ,” ким чаққон”, “эстафета”, “ритмика”, “шерингнинг топ” . Шу каби ўйинлар болаларнинг кайфиятларини кўтаради, ҳаракатчанликларини оширади , жамоага кўшилишига ёрдам беради ва дунё қарашини ўстиради .

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdul Aziz Khan, “Hematological Disorders - Types, Causes, Signs, and Symptoms”, Published on Nov 25, 2022, Интернет ресурс: <https://www.icliniq.com/articles/blood-health/hematological-disorders>
2. Fatima M., Raman M. Cognitive Development. StatPearls Publishing LLC. 2023. Интернет ресурс: https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK537095/#_article19685_s
3. J. Ohrnberger, Eleonora Fichera, Matt Sutton, The relationship between physical and mental health: A mediation analysis, Social Science & Medicine Volume 195, December 2017, Pages 42-49. Интернет ресурс: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0277953617306639?via%3Dihub>
4. J. Wang, B. Lloyd-Evans, D. Giacco, et al. Social isolation in mental health: a conceptual and methodological review. Soc Psychiatry Psychiatr Epidemiol, 52 (2017), pp. 1451-1461. Интернет ресурс: <https://link.springer.com/article/10.1007/s00127-017-1446-1> 6. N. Valencia, J. Ortega, E. Alcocer, “HOSPITAL PEDAGOGY: A SPACE OF LOVE AND RECOGNITION FOR THE ONCOLOGICAL PEDIATRIC PATIENT” Texto & Contexto Enfermagem 2019, v. 28: e20180112. ISSN 1980-265X DOI Интернет ресурс: <http://dx.doi.org/10.1590/1980-265X-TCE-2018-0112>
5. Sextou P. Theatre in paediatrics: Can participatory performance mitigate educational, emotional and social consequences of missing out school during hospitalisation?. Research in drama education: the journal of applied theatre and performance. 2021; 1-17. Интернет ресурс: <https://doi.org/10.1080/13569783.2021.1940914>